



КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ ЖАРГОНЛАРИ МУРАККАБ ЛИСОНИЙ ХОДИСА СИФАТИДА

Насруллоева Насиба,

ТАТУ Самарқанд филиали ўқитувчиси, тадқиқотчи

Калим сўзлар: термин, лисоний ҳодиса, терминология, жаргон, сленг, интернет, компьютер, технология, тил, профессионал жаргонлар.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида тилшуносларни доимо қизиқтириб келган тўхтовсиз ривожланиш ва турлича трансформациялар жараёнида намоён бўлади. Фан, оммавий ахборот воситалари, юқори технологияларнинг шиддат билан ривожланиши эски соҳалар номинацияларининг кенгайиши ва янги номлаш соҳаларининг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади. Бироқ тилнинг номинатив функцияси тараққиёти тушунчалар номлари соҳасининг кенгайиши ва янгиланишида ҳамда номинациялар усулларининг ўзгаришида акс этади. Янги бирликларнинг асосий массаси сўз ясовчи воситалар ёрдамида ҳосил бўлади. Сўз ясашни тайёр билимлар манбаи эмас, балки маълум қоидалар ва схемалар бўйича ясашиш қоидалари сифатида ҳам тушуниш ушбу қоидалар асосини ташкил этган турли принциплари (аналогия, ассоциатив жараёнлар таъсири ва ҳ.к.) нинг таъсирини ҳам аниқлаш имконини беради.

Функционал лексикологиянинг муаммоларидан бири тил ташувчиларининг ижтимоий тажрибасининг қайсидир фрагментлари лексик қайд қилишни тақозо этишидир. Олам тилда бевосита акс этмайди, у онгда акс этади, онг эса бу аксни конвенционал белгиларда мустақамлайди, қайд этади, кодлайди¹².

Охирги пайтлардаги тилшуносликда Бутун жаҳон Интернет тармоғи ва компьютердан фойдаланувчилар тилига

бағишланган кўпгина тадқиқотлар пайдо бўлди. Тилшунослар ижтимоий компьютер тили шаклланишини бошлаганлиги ҳақида гапира бошладилар, «унинг тараққиёти икки йўналишда бормоқда. Биринчидан, Интернет тармоғидаги предметлар ва ҳодисаларни ифодалаш учун кўплаб микдорда янги сўзлар пайдо бўлмоқда, яъни компьютер мутахассислари фойдаланаётган терминологик лексика яратилмоқда, иккинчидан, Бутун жаҳон тўридан фойдаланувчиларнинг ҳам сони ортиб бормоқда, улар Интернетда мулоқот қилиш учун ўзига хос лексика ва сўз ясаш воситаларидан алоҳида равишда фойдаланиш орқали ўз тилини яратмоқда»¹³. Компьютер тилининг иккинчи коммуникатив аспектининг лексик таркиби биринчисиникидан фарқ қилади ва ўз хусусиятларига эга.

Маълумки, интернет ва компьютер технологияларининг тараққиёти, бошқа инсон фаолияти соҳаларининг ривожланиши каби тилда янги лексик бирликларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади. М.М. Бахтин айтганидек, одамларнинг барча соҳалардаги фаолияти тилдан фойдаланиш билан боғлиқ, Интернет ҳам бундан истисно эмас¹⁴.

Д.Саидқодирова: **“Дунё компьютер тармоғи ўзида чексиз ахборот ва маълумотларни жамлайди.** Интернет бу

¹³ Қаранг: Ходакова А.Г. Системная семантика термина (на материале англоязычных терминов интернета). Автореф... кан. филол.наук. –Тула, 2010. –Б. 12.

¹⁴ Бахтин, М. М. Собрание сочинений: в 7 т. Т. 5. Работы 1940-х – начала 1960-х гг. / ред.: С. Г. Бачаров, Л. А. Гогтишвили ; Ин-т мировой лит. – М., 1997. – С. 159.

¹² Қаранг: Заботкина Е.Н. Новая лексика современного английского языка. -Москва, ВШ. 1999, -126 с.



турли-туман маълумотлар омборидир. Ушбу маълумотларлардан фойдаланиш учун омборга кириш имкониятига эга бўлиш етарлидир. Айнан шу имконият Интернет фойдаланувчиларини ўзига жалб этади” – деб ҳисоблайди¹⁵.

Компьютер ва интернет тараққиётининг ҳозирги пайтдаги ҳолати тилдаги кўп жараёнларни фаоллаштирди, энг аввало, унинг лексик тизимига таъсир қилди, бу хилма хил профессионал тушунчани англатувчи махсус терминологик тизимнинг яратилишига олиб келди. Бундай тушунчалар аввал фақат мутахассисларга маълум бўлган бўлса, кейинчалик компьютер ва интернетдан фойдаланувчилар учун ҳам тушунарли бўлиб бормоқда. Шунга карамай улар терминларни изоҳлашда жаргонлардан фойдаланмоқдалар. Бу эса ўз ўрнида бугунги кунда компьютер ва интернет жаргонларининг ҳам юзага келишига сабаб бўлмоқда. Компьютер ва интернетдан фойдаланувчиларнинг ҳозирда шиддат билан ривожланаётган жаргонлари тилшунослар диққат марказида бўлиб қолган.

С.Ю. Тюрина интернет ва компьютер жаргонларини пайдо бўлиш сабабларини қуйидагича изоҳлайди: “XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан персонал компьютерларнинг пайдо бўлиши ва 1988 йилдан оммавий бўлиб кетган «PC World» журналининг чиқиши билан ҳамма нарса “остин-устун” бўлиб кетди: инглиз тилидаги термин ва қисқартма сўз (аббревиатура)лар инглизча ёзувдаги кўринишларида журналлар саҳифаларини тўлдириб юборди ва мутахассислар нутқини ҳам ифлослантирди. Айнан қайта ўзлаштирилган инглиз тилидаги терминлар охириги пайтлари кўплаб тадқиқотчилар диққатини ўзига тортаётган «компьютер жаргон»ининг асоси бўлиб қолди. Яна шу ҳам таъкидланмоқдаки, техника терминлари аста-секин муайян эмоционал-экспрессив, кўпинча кинояли

бўёқдорликка эга бўлган жаргонизмларга айланиб бормоқда”¹⁶.

Компьютер ва интернетда сўз ясашдаги баъзи бир ўзига хос (сўз ўйини) хусусиятлари унга сезиларли даражада таъсир қилади, бунда ўйинга хослик ва жиддийлик ўртасидаги тафовутлар ювилиб кетади, янги ясалган сўзлардаги юқори даражадаги экспрессия, мулоқотнинг глобаллашуви ва виртуаллашуви (масалан, хакерлар тили), компьютер ва интернет жаргонларининг экстралингвистик (нолисоний) характеристикалари жумласига замонавий компьютер тармоқларининг техник имкониятлари, ахборот технологияларининг характери, умумий ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-психологик контекст кабилар қиради.

Интернет тармоғининг пайдо бўлиши бу соҳага хизмат қилаётган тилнинг ўзгаришларига олиб келди. Инглиз тилшуноси Дэвид Кристал Интернетнинг пайдо бўлишини тилдаги инқилобий ўзгаришларга олиб келган аҳамиятли омиллардан бири, деб атайди¹⁷.

Жаргон номлар фақат шу дунёга тааллуқли, шунинг учун уларни бошқа ҳамма нарсалардан ажратиб олинса, кўпинча билмаган одамлар учун тушунарсиз бўлиб қолади. Компьютерчилар ана шундай махсус тилни билганликлари учун ўзларини қандайдир ёпиқ жамоанинг аъзоларидаек ҳис қилдилар. Бундай лексикада вульгар сўзлар ҳам кам эмас.

Т.Г.Никитина жаргонга қуйидагича таъриф беради: *жаргон* – «умумхалқ тилидан фарқли (кўпинча экспрессив жиҳатдан қайта анланган) ўзига хос лексикаси ва фразеологияси ҳамда сўз ясовчи воситаларнинг ўзига хос равишда

¹⁵ Саидқодирова Д.С. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи. Филол.фанлари номзоди...дис.-Тошкент, 2017. – С.10.

¹⁶ См: Тюрина С.Ю. О языке и юморе «программеров». Лингвистический аспект компьютерного сленга «Вестник ИГЭУ» Вып. 4. 2005 г. –Б.1-4.

¹⁷ Gate, B. Business @ the Speed of Thought. N.-Y., 2000. –P. 64. 440 p.



ишлатилиши билан характерланадиган ижтимоий нутқ тури»¹⁸.

Ю.М. Скробнев жаргон деганда, профессионал ва ижтимоий гуруҳларнинг адабий тилнинг бетараф соҳасидаги норасмий характердаги ва сўзларнинг хазил-мутойибалиси билан алмашинадиган сўзларини тушунади. Унинг фикрича, формал ва ҳатто бетараф сўзлар жаргон яратувчилар томонидан ўта бачкана ва ҳатто баландпарвоз деб аталмоқда. Жаргондан фойдаланиш лисоний хулқ-атворга муайян равишда бўйсунмасликни тақозо этади¹⁹.

Жаргонлар нисбатан очик ижтимоий ёки профессионал гуруҳ нутқи, у адабий тилдан алоҳида сўз ва иборалари таркиби билан фарқланади²⁰.

Жаргон – бу бирор-бир касб ёки бирор-бир фаолиятга хос лексика ҳисобланади. Компьютер жаргони компьютер технологиялари билан ишлаш касби, қизиқиши, ҳаёт тарзи (баъзан эса ҳаёт мазмуни)га айланиб қолган шахс (профессионал дастурчи ва айрим фойдаланувчи)ларнинг ўзига хос луғат бойлигидан ташкил топган.

Жаргоннинг асосий функцияси нисбатан мустақил ижтимоий гуруҳга мансубликни ўзига хос сўзлар, шакллар ва оборотларни қўллаш орқали ифодалашдан иборат. Баъзан жаргон термини бузилган, нотўғри нутқни ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Бу фақат муайян муҳитда тушунарли бўлган шартли тил, унда сунъий, баъзан эса шартли сўз ва иборалар кўп бўлади.

Бироқ ҳозирги пайтда жаргоннинг профессионал ёки ижтимоий гуруҳлар доирасидан чиқиш тамойили кузатилмоқда, бир томондан, адабий ва жаргон нутқи ўртасидаги тафовутнинг ортиши, иккинчи томондан, бу ижтимоий ҳаётнинг демократлашуви ва

“вульгарлашуви” билан муайян даражада боғлиқ.

Жаргон (ёки ижтимоий диалект, шева) – «алоҳида, кишиларни касбига, жамиятдаги мавқеи, қизиқишлари ва ёшига кўра бирлаштирувчи нисбатан барқарор ижтимоий гуруҳнинг оғзаки мулоқотида қўлланадиган миллий тил тури»²¹.

Жаргоннинг лисоний моҳияти – сўз ўйини ёки сўз билан ўйнаш, экспрессив, эмоционал бўёқдорли лисоний ифода воситаларини яратиш мақсадида сўз маъноларининг метафоризациялашуви ҳамдир.

Замонавий илмий тилшуносликда жаргонга берилган таърифларни кўриб чиқсак. Жаргон – бу умумхалқ тилидан ўзига хос лексикаси ва фразеологияси билан фарқланувчи ижтимоий нутқ тури эканлиги таъкидланган.

«Ҳозирги замон рус тили луғатида» қуйидагича таъриф келтирилган: «кўп миқдорли ва фақат ўзига хос, жумладан сунъий ва баъзан шартли сўз ва ибораларга эга бирор-бир ижтимоий гуруҳ тили»²².

С.Ожегов ва А. Шведованинг «Рус тилининг изоҳли луғати»да айтилганидек, бу – «умумий тилдан фарқли, жумладан сунъий, баъзан эса шартли кўплаб сўз ва ибораларга эга бирор-бир ижтимоий ёки бошқа умумий қизиқишлари билан бирлашган гуруҳ нутқи»²³.

Замонавий тилшуносликдаги жаргон тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоизки, барча таърифларда жаргон ёши жиҳатидан боғлиқ умумий қизиқишлари билан бирлашган бирор-бир муайян ижтимоий гуруҳ нутқида намоён бўлиши айтиб ўтилади.

Жаргон – бу ўхшаш касбий ва маиший шароитларда қизиқишлари умумий бўлган ва ўз вақтларини биргаликда ўтказадиган кишилар орасида

¹⁸ Никитина Т.Г. Толковый словарь молодежного сленга: Слова, непонятные взрослым. -М.: Астрель: АСТ, 2003. –С. 4. 736 с.

¹⁹ Скробнев Ю.М. Основы стилистики английского языка. М., 2000. – С. 66-72.

²⁰ Лихолитов П.В. Компьютерный жаргон / Русская речь. 1997.- №3.

²¹ <http://nethash.ru/proishojdenie-professionalnoj-leksiki-kompeyuternij-jargon.html>

²² Заботкина Е.Н. Новая лексика современного английского языка. -Москва, ВШ. 1999, -126 с.

²³ Ожегов С. Шведова Н.Ю.. Толковый словарь русского языка. Москва: Азъ.1992.



юзага келувчи сўзлашув нутқи хусусиятлари мажмуи; бу бошқа тил воситаларидан бемеъёрийлиги, ҳаракатчанлиги, қисқа давр ичида ўзгаришга қодир тил воситаларининг каттагина соҳаси. Жаргон замонавий тилнинг лексик заҳирасини бойитувчи манбаи ҳисобланади.

Крисин Л. П. жаргоннинг уч, яъни профессионал, гуруҳли ва ёшлар турини ажратади. Профессионал тиллар – бу мавжуд тил шаклига қўшимча бирор-бир машғулоти, ҳунар, касб ёки ишлаб чиқариш соҳасига хос лексик тизимлардир. «Профессионал жаргонлар ўзининг ижтимоий ва коммуникатив мавқеига кўра, миллий тилининг бошқа кичик тизимларидан бир хусусияти билан фарқ қилади: ушбу жаргонлар ташувчилари яна бошқа кичик тизим – махсус тил, адабий тил, шевани ҳам биладилар. Улар профессионал муҳитда, эркин профессионал мулоқот мақсадларида улар профессионал жаргон ишлатишади, расмий мулоқот мақсадлари учун эса – махсус тилни, профессионал муҳитдан ташқаридаги нопрофессионал мавзулардаги мулоқот учун эса улар адабий тилдан фойдаланадилар, камдан-кам ҳолларда эса маҳаллий шева ёки содда тилдан фойдаланадилар»²⁴.

Профессионал тиллар шу сўзнинг тўлиқ маъноси жиҳатидан тил бўла олмайди. Уларнинг лисоний қисми ихтисослаштирилган лексика, қисман сўз ясаши билан чекланади ҳамда товушлар ва грамматика тузилишигача етиб бормайди²⁵. Профессионал нутқ сўзларининг хусусиятларидан бирига кўра, терминологик муодил(аналог)ларини сиқиб чиқармайдилар улар ўз аналоглари билан бирга бир хил вазиятларда мавжуд бўладилар²⁶.

Бирор касбни эгаллаш узвий равишда шунга мувофиқ профессионал луғатни ўрганиш билан боғланган. Л.П. Крисин фикрига кўра, «айрим профессионал ифодалар бирор-бир касбни эгаллаш рамзи сифатида хизмат қилади»²⁷.

Крисин ўз ишларида кўп маротаба таъкидлаганидек, профессионал жаргонларнинг ўзига хослиги кўп ишлатиладиган сўзлар ва ибораларнинг метафорик жиҳатдан қайта англанишида, уларнинг образли мазмун касб этишида дейиш анъанавий ҳол ҳисобланади. Чиндан ҳам, метафорик жиҳатдан қайта англанилган, ёрқин экспрессияли сўз ва турғун иборалар профессионал жаргонларнинг энг характерли белгиларидандир²⁸.

Барча илмий таърифларда жаргон тил эмас, балки нутқ сифатида талқин этилган. Тил – бу (орфографик, грамматик, лексик ва ҳ. к.) белгилар тизими, у маълум ижтимоий жамоага мансуб. Тил нутқ фаолиятининг энг муҳим қисми, лекин у (нутқ) билан айнан ўхшаш эмас. Нутқ бу аниқ тил соҳиблари томонидан тилдан фойдаланиш демак, шу боис нутқ индивидуалдир²⁹.

Бир томондан, компьютер жарғони – бу профессионал жаргон тури, чунки у мутахассислар томонидан иш жараёнида ишлатилади, лекин, иккинчи томондан – компьютердан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини компьютердан ўқиш, иш ва қизиқишлари учун ишлатадиган – ёшлар ташкил қилади.

Компьютер ва интернет жаргонлари мураккаб лисоний ҳодиса бўлиб, у лексиканинг турли қатламлари, лисоний гуруҳлар, ўзаро таъсирлашувлари, фонетика, морфология ва семантика миқёсларидаги сўз яшаш ҳамда профессионал ва умумистеъмол лексикаси,

²⁴ Крысин Л.П. Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка. М.: Наука, 1989. –С.326.

²⁵ Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. М.: Просвещение, 1987.–С.71.

²⁶ См: Марочкин А.И. Лексико-фразеологические особенности молодежного жаргона: (На материале речи молодежи г.Воронежа). Дис. на соиск. учен.

степ. канд. филол. наук. Воронеж, 1998.

²⁷ Крысин Л.П. Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка. М.: Наука, 1989. –С.69.

²⁸ Там же. –С.71.

²⁹ Скворцов Л. И. Культура языка - достояние социалистической культуры: Кн. Для внеклассного чтения. М.: Просвещение, 1980. –С.22.



инглизча ва ўзбекча реалиялардан фойдаланиш жараёнларини кузатиш имконини беради. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, компьютер ва интернет юқори мақомли ижтимоий гуруҳ субмаданиятининг унсури ҳисобланади.

Компьютер жаргони билан ишлаганда, мазкур тушунчалар бир

касбдаги кишилар, яъни дастурчилар ёки компьютердан қандайдир мақсадларда фойдаланувчиларнинг мулоқот қилишига хизмат қилади. Бунда улар эмоционал бўёқдорлиги жиҳатидан фарқ қилган ҳолда профессионал терминларга нисбатан синонимлар тарзида ишлатилади.

Литература:

1. Заботкина Е.Н. Новая лексика современного английского языка. -Москва, ВШ. 1999, -126 с.
2. Ходакова А.Г. Системная семантика термина (на материале англоязычных терминов интернета). Автореф... кан. филол.наук. –Тула, 2010. -Б. 12.
3. Бахтин, М. М. Собрание сочинений: в 7 т. Т. 5. Работы 1940-х – начала 1960-х гг. / ред.: С. Г. Бачаров, Л. А. Гоготилишвили ; Ин-т мировой лит. – М., 1997. – С. 159.
4. Саидқодирова Д.С. Инглиз ва ўзбек тиларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи. Филол.фанлари номзоди...дис..-Тошкент, 2017. – С.10.
5. Тюрина С.Ю. О языке и юморе «программеров».лингвистический аспект компьютерного сленга «Вестник ИГЭУ» Вып. 4. 2005 г. –Б.1-4.
6. Gate, V. Business @ the Speed of Thought. N.-Y., 2000. –P. 64. 440 p.
7. Никитина Т.Г. Толковый словарь молодежного сленга: Слова, непонятные взрослым. -М.: Астрель: АСТ, 2003. –С. 4. 736 с.
8. Скребнев Ю.М. Основы стилистики английского языка. М., 2000. – С. 66-72.
9. Лихолитов П.В. Компьютерный жаргон / Русская речь. 1997.- №3.
10. <http://nethash.ru/proishojdenie-professionalenoi-leksiki-kompeyuternij-jargon.html>
11. [Ожегов С. Шведова Н.Ю.](#) Толковый словарь русского языка. Москва: Азъ.1992.
12. Крысин Л.П. Социоллингвистические аспекты изучения современного русского языка. М.: Наука, 1989. –С.326.
13. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. М.: Просвещение, 1987. -С.71.
14. Марочкин А.И. Лексико-фразеологические особенности молодежного жаргона: (На материале речи молодежи г.Воронежа). Дис. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. Воронеж, 1998.
15. Крысин Л.П. Социоллингвистические аспекты изучения современного русского языка. М.: Наука, 1989. –С.69.
16. Скворцов Л. И. Культура языка - достояние социалистической культуры: Кн. Для внеклассного чтения. М.: Просвещение,1980. –С.22.

Насруллаева Н. Компьютерные и интернет жаргоны как сложное лингвистическое явление. В данной статье исследуются лингвистические особенности компьютерных и интернет-жаргонов. Одной из актуальных проблем является растущий интерес к исследованиям интернет и компьютерного жаргона, что является перспективным шагом в узбекской лингвистике, сопоставление интернет и компьютерных жаргонов в узбекском и английском языках.

Nasrullaeva N. Computer and the internet jargons as a complicated linguistic phenomenon. The article explores the linguistic peculiarities of computer and Internet jargons. One of the actual problems is the investigation of the Internet and computer jargons, analysis of computer and Internet jargons within the Uzbek and English languages in comparative way, which is considered to be perspective in Uzbek linguistics.